

КЎМИР САНОАТИ СОҲАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИШЛАР

(Ўзбеккўмир” АЖ “Ангрен” кўмир конигша пресс-тур учун. 2025 йил 18-февраль)

Республикада кўмир қазиб чиқариш кўрсаткичлари ва кўмир қазиб чиқариш ҳажми ижтимоий соҳа ҳамда саноат тармоқлари эҳтиёжидан келиб чиқиб, йил сайин ортмоқда. Илғор хорижий тажрибани қўллаган ҳолда кўмир қатламларини баҳолаш ва бурғилаш ишлари давом эттирилмоқда.

Хусусан, **2024 йилда 8,4 млн тонна** кўмир қазиб чиқарилиб (2023 йилга нисбатан **128 фоизга** ёки **1,9 млн тоннага**, 2016 йилга нисбатан **2,2 баробарга** кўп). **2025 йилда** кўмир қазиб чиқариш **9 млн тоннага** етказилади.

“Ўзбеккўмир” АЖ томонидан кўмир қазиб чиқариш **2016 йилда 4 миллион тонна**дан кам бўлган бўлса, **2024 йилда 6 миллион 765 минг тоннага** етказилди.

Кўмирга мутаносиб равишда қазиб чиқарувчи корхоналар сони ҳам ортиб бормоқда. Аниқланган **17 та истиқболли конлар ва майдонлар тадбиркорларга берилиб**, улар томонидан 2023 йилдан шу кунга қадар **1,1 млн тоннадан** (умумий қазиб чиқариш ҳажмининг **5,6 фоизи**) кўмир қазиб чиқарилди.

2023 йилга қадар кўмир маҳсулотлари фақат “Ўзбеккўмир” ва “Шарғункўмир” жамиятлари томонидан қазиб чиқарилган.

“Шарғункўмир” АЖни модернизация қилиш инвестицион лойиҳаси тўлиқ ишга туширилиши натижасида **900 минг тонна** юқори калорияли кўмир ички бозорга йўналтирилди.

Тош кўмир асосан цемент ишлаб чиқарувчи ташкилотлар томонидан ишлатилиб, аҳоли эҳтиёжлари учун фойдаланилмайди.

Бундан ташқари, Ангрен кўмир хавзасидаги **Нишбош кўмир конига** инвесторлар жалб қилиниб, йилига **10 млн тонна** кўмир қазиб чиқариш ҳамда кўмирни бойитиш орқали республика истеъмолчиларига сифатли кўмир маҳсулотлари етказиб бериш лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Лойиҳа доирасида 2026 йилда йўл-йўлакай кўмир қазиб чиқариш бошланиб, 2028 йилда тўлиқ қувватда қазиб чиқариш бошланади.

Натижада, республикада маҳаллий кўмирнинг **эркин рақобат бозори** яратиш, маҳаллий кўмирга бўлган талаб қондириш чоралари кўрилмоқда.

“Ўзбеккўмир” акциядорлик жамияти томонидан истеъмолчиларга жами **6,4 млн тонна** (ўсиш **107,8 фоиз**), шу жумладан, **ижтимоий соҳа** ташкилотларига **615 минг тонна**, аҳолига **1 276 минг тонна** маҳаллий кўмир ортиб юборилган.

“Ўзбеккўмир” акциядорлик жамиятида **11 та** таркибий тузилма мавжуд бўлиб, улардан учтаси кўмир кони, қолганлари ёрдамчи корхоналар. Бугунги кунда **6 минг нафарга** яқин киши меҳнат қилмоқда.

Жамиятда кўмирнинг асосий қисми “Ангрен” ва “Апартак” конларида очиқ усулда қазиб олинади. “Ангрен” кони Ўзбекистондаги энг йирик ишлаб чиқариш

корхонаси ҳисобланиб, бу ерда қаттиқ ёқилғи билан бирга қизғиш ва кулранг каолин, шуниндек, оҳактош ҳам қазиб олинмоқда.

Кон 1948 йилда фойдаланишга топширилган, бу ерда ўтган **75 йил давомида 2 млрд. куб метрдан** ортиқ кон очиш ишлари бажарилди, **200 млн. тоннадан** ортиқ кўмир қазиб олинди.

Кўмир конининг дастлабки лойиҳасида йилига **1,5 миллион тонна** кўмир қазиб олиш кўзда тутилган эди. 1950 йилда ишлаб чиқариш ҳажми **1 082,0 минг тоннани**, ортиқча юк – **1 782,5 минг куб метрни** ташкил этди.

1970-80-йилларда конда навбатдаги техник қайта жиҳозлаш амалга оширилди.

1978-1990 йилларда кўмир қазиб олиш ҳажмини бир ярим-икки баравар ошириш мақсадида конни иккинчи реконструкция қилиш бошланди. Жараёнда бу ерга кучли ЭКГ-8I, ЭКГ-12, ЭКГ-15, ЭКГ-4U экскаваторлари, Германиядан доғлар, Полшадан юқори сиғимли самосваллар келтирилди. 1990 йилда конда кўмир қазиб олишнинг йиллик ҳажми **5,77 миллион тоннага** ва кон очиш ишлари **50,0 миллион куб метрга** етди.

Кўмир конида темир йўл, автомобиль ва конвейер транспортдан фойдаланилади. 2019 йилгача жамият тасарруфидаги 30, 45 ва 110 тонна юк ортиш имкониятига эга “БелАЗ” юк ташувчи техникалари мавжуд эди.

Президентнинг 2019 йил 7 мартдаги ПҚ-4234-сонли “Ўзбеккўмир” АЖ бошқариш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор ижросини таъминлаш, кўмир қазиб олиш тизимини такомиллаштириш, аҳолига сифатли маҳсулотлар етказиб бериш мақсадида корхонага 130 тонна қувватга эга **15 та** “БЕЛАЗ-75131” русумли юк ташувчи оғир техника келтирилди.

2023 йилда Ҳукумат кўмаги билан умумий қиймати **77 млн. долларга** тенг кон техникаси, жумладан, Японияда ишлаб чиқарилган 90 тонна юк кўтариш қувватига эга **44 та** “Komatsu” автосамосвали харид қилиниб, ишлаб чиқаришга қўйилди. Натижада кон ўстки қисмини автотранспорт ёрдамида очиш ҳажмлари сезиларли даражада ошди.

Кон очиш жараёнида кўмирдан ташқари соз тупроқ, оҳактош, қизғиш, кулранг ва иккиламчи каолинлар ҳамда норуда материаллари қазиб олинади. Ушбу фойдали қазилмаларни тўплаш, саралаш, бойитиш орқали қурилиш материаллари, керамика чиннисозлик соҳалари ишлаб чиқарувчиларига етказиб бериш мумкин. 2024 йилда “Ангрен” конидан **500 минг тоннадан** ортиқ каолин етказиб берилди.

Сўнги йилларда энергия ресурсларига талаб кучайиши муносабати билан жамиятда ҳам ёқилғи қазиб олиш ва етказиб бериш ҳажмлари оширилмоқда. **2020 йилда 3 миллион 869 минг тонна** кўмир қазиб олинган бўлса, **2021 йилда** бу кўрсаткич **4 миллион 781 минг**, **2022 йилда 5 миллион**, **2023 йилда 5 миллион 836 минг**, **2024 йилда 6 миллион 766 минг тоннани** ташкил этди.

2024 йилда республикада қазиб олинган тайёр маҳсулотнинг **3 887,9 минг тоннаси** иссиқлик электр станцияларига, **627,4 минг тоннаси** бюджет ташкилотларига, **1 362,7 минг тоннаси** аҳоли эҳтиёжлари учун етказиб берилди. Шунингдек, **517 минг тонна** маҳсулот биржа савдолари орқали етказиб берилди.